

**ДТСЖ Сирдарё вилояти бўлинмаси томонидан 17 мартдан 20 мартга  
қадар амалга оширилган ишлар юзасидан  
МАЪЛУМОТ**

Тасдиқланган режа-графикга асосида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 5-сентябрдаги “Давлат тиббий суғуртаси механизмларини жорий этишга оид чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори ижросини юзасидан ўрганиш ва амалий ёрдам кўрсатиш мақсадида 2025 йилнинг 17-18 март кунлари Давлат тиббий суғуртаси жамғармаси ходимлари ва Сирдарё вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси ходимлари иштирокида мониторинг ўтказилди. Сирдарё вилоят ОИТСга қарши курашиш марказида ўтказилган ўрганиш юзасидан маълумотнома тайёрланди ва ДТСЖ марказий аппаратга тақдим қилинди. Жорий йилнинг февраль ойида даволанган ҳолат юзасидан 5 та муассасаларда ўрганиш ўтказилди. Ўрганиш давомида 2025 йил февраль ойида даволаниб чиққан беморларнинг клиник харажатлар гуруҳлари нотўғри қўйилганлиги яъни оғиш коэффиценти хато белгиланганлиги натижасида гипердиагностикага йўл қўйилганлиги аниқланиб маълумотнома тайёрланиб марказга билдиришнома киритилди. Давлат тиббий суғуртаси жамғармаси Сирдарё филиали бўлинимаси мутахассислари, МФЙ фаоллари, тиббиёт ходимлари билан биргаликда **“Давлат тиббий суғурта механизмларини жорий этишга оид чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-311-сонли қарори** мавзусидаги йиғилиш-семинари ўтказилди ва баённома тузилиб ДТСЖ марказий аппаратга тақдим қилинди. Давлат тиббий суғуртаси жамғармасининг 30.07.2024 йилдаги 21-сонли йиғилиш баёни (1-топшириқ) ва 20.08.2024 йилдаги 28-сонли йиғилиш баёнларининг (1-банд) ижроси юзасидан Сирдарё вилоятининг барча шифохона муассасаларини 2025 йил 15 март кунидан 20 март кунигача [mis2.ssv.uz](https://mis2.ssv.uz) ахборот тизимида киритилган беморлар сони онлайн мониторинг қилинди.

**ДТСЖ Сирдарё вилояти бўлинмаси молия-иқтисод бўлими**

1. 2025 йил учун Аутсорсир хизматлари мавжуд муассасалар рўйхати шакиллантирилди.
2. 2025 йил 15 март ҳолатига ДМЕД дастури асосидан ҳудудлардаги аҳоли муассасаларга бириктирилиши юзасидан жадвал маълумотлари тайёрланди.
3. Жамғарма билан шартнома қилган тиббиёт муассасаларининг 2024 йил учун ажратилган маблағларининг якуний ҳисоб китоблари қилиниб, 2024 йил бошидаги шартномага қўшимча келишувлар қилинди.
4. 2025 йил 1-чорак учун қилинган шартномаларга қўшимча ўзгартиришлар киритилди. Барча тиббиёт муассасаларига шартномалар тарқатилиб ҳозирги кунда муассаса томонидан тасдиқланиб йиғиб олинмоқда.
5. Жамғарманинг ички аудит томонидан ўтказилган ўрганиш натижасида Сирдарё вилояти ҳудудидаги айрим тиббиёт муассасаларининг январ ойида амалга оширган ноурин харажатларини қайтариш бўйича ҳудудий Ғазначилик хизмати бошқармаси билан биргаликда қайтариш чоралари кўриб чиқилди.
6. Сирдарё вилояти тиббий муассасалари томонидан февраль ойи ҳисоботлари қабул қилиниб, ушбу маълумот асосида 15% сертификатлар тайёрланди.
7. 2024-2025 йилларда муассасаларга ажратилган маблағлар таҳлили қилинди.
8. Марказ томонидан берилган топшириқлар ижроси билан шуғулланилди.

Ташкилотлардан келган 3 та хатларга жавоб хатлари ўз вақтида берилди.

Давлат тиббий суғуртаси жамғармасининг 18-сон (23.07.24 й), 21-сон (30.07.2024 й), 19-сон (23.07.24 й) баён ва қарорларида “Реимбурсация дастурини жорий этишда амалга оширилган ишлар бўйича” ҳар ҳафта маълумот киритилиши топширилган.

Ушбу топшириқ ижросини таъминлаш мақсадида, Сирдарё вилояти ҳудудида 17-20 Март кунлари оралиғида қўйидаги ишлар амалга оширилди.

Ҳафта давомида қиймати **294 222 496** сўмлик **9001** дона электрон рецепт **3421** нафар беморга ёзиб берилди. Д назоратдаги беморларга ёзиладиган электрон рецептларни тўғри ёки нотўғри ёзилганлигини, беморлар ўзлари дори-дармонларини тўлиқлигича олганлигини анализ қилинди. Реимбурсация тизимида электрон рецептларни жуда кам ва умуман ёзмаган муассасаларга босқичма-босқич ташриф амалга оширилмоқда ва телефон орқали тушинтиришлар олиб борилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 5 сентябрдаги “Давлат тиббий суғуртаси механизмларини жорий этишга оид чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-311 сонли қарорига мувофиқ Сирдарё вилояти Боёвут тумани Гулистон ОШП, Сирдарё тумани КТМП, Сирдарё тумани 31-ОП,Ширин шаҳар КТМП, Ширин шаҳар Нуробод ОШПларда Оилавий шифокорларига Реимбурсация дастури асосида 7 хил касаллик бўйича 27 турдаги дори дармонлар тўғрисида маълумот берилди қизиқтирган саволларига жавоб берилди.

**ДТСЖ Сирдарё бўлинмаси**  
**бошлиғи в.б**



**А.Бегмуратов**  
**20.03.2025 йил**